# Qishloq hayoti

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi · www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 3-MAY, PAYSHANBA, 53 (7978) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида "Энг намунали оила" кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 57 оила иштирок этди. Кўрик-танловнинг "Энг намунали ҳунарманд оила" номинацияси бўйича биринчи ўринга Фурқат туманида истиқомат қилувчи Муҳаммадали Юнусов оиласи лойиқ топилди. Қўқонлик Одилжон Умматов оиласи "Энг намунали тадбиркор оила", олтиариқлик Асқарали Исоқов оиласи эса "Томорқадан самарали фойдаланиш бўйича намунали оила" номинацияларида ғолибликни қўлга киритди.

**▶ Тошкент вилоятининг Чиноз туманида балиқчиликни ривожлантириш, ихтиофаунани асраш, экологик мувозанатни таъминлаш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Чинор» экологик нашриёт компанияси, Фанлар академиясининг Зоология институти, Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази, «Экосан» фонди каби ташкилотлар томонидан уюштирилган тадбирда олимлар, экологлар, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**

▶ Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Мустаҳкам оила йилига бағишлаб "Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари, диний бағрикенгликнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган маърузалар тингланди.



Мукимжон КОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

## САҲИФАЛАРДА:




ХАЁТ УЧУН! БИРГА, ҲАМЖИҲАТЛИКДА! 3



АҚЛЛИ, ВАФОДОР, СОДИҚ





5





ТУТ ҚОННИ ТОЗАЛАЙДИ 6

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Самарқанд вилояти

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларида иштирок этиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

# ННТЛАР ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Самарқанд ҳудудий бўлинмаси, вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотларининг раҳбарлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг юксак самаралари ҳақида сўз юритилди. Хусусан, фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг зарур ҳуқуқий асослари яратилди. Мазкур ташкилотларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштироки таъминланмоқда. Жумладан, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, атроф-муҳит ва экология мусаффолигини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоялаш, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ортиб бормоқда. Уларнинг бу борадаги ташаббусларини рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган олти юздан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам мазкур фонд танловларида мунтазам иштирок этмоқда. Ҳозиргача вилоятдаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан тақдим этилган йигирмата лойиҳа фонд грантлари асосида молиялаштирилди.

– Ўтган йили «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оиланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши» мавзуидаги лойиҳамиз билан грант танловида ғолиб бўлган эдик, – дейди «Тенгдошим» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Фарангиз Раззоқова. – Ушбу лойиҳани Самарқанд ва Пастдарғом туманларидаги олтита маҳаллада амалга оширдик. Яъни, ҳудудларда оиланинг иқтисодий барқарорлиги, оилавий тадбиркорликни шакллантириш, оила бюджети масалалари юзасидан семинарлар ўтказдик. Психолог ва ҳуқуқшунослар томонидан бу борада аҳолига зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди. Шунингдек, маҳаллалардаги коллеж ва умумтаълим мактабларида ўқувчи ёшлар иштирокида соғлом турмуш тарзи, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш юзасидан учрашувлар ташкил этилди. Олиб борилган мазкур ишлар натижасида маҳаллалардан ўттиздан зиёд фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирди. Пастдарғом туманидаги Чархин маҳалласида хотин-қизлар учун ҳунармандчилик маркази ташкил этилдиган бўлди.

Семинарда Жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловлари мавзулари ва уларда қатнаниш тартиби тўғрисида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бухоро вилояти

# ИПАК ҚУРТИ ПАРВАРИШИ – АВЖ ПАЛЛАДА

**Бу йил вилоят пиллачилари салкам 4 минг тонна кумуш тола хирмони яратишни режалаштирган. Шу мақсадда 52 минг 373 қути ипак қурти пиллачилик звенолари томонидан юқори агротехник қоидалар асосида парваришланмоқда.**



Ҳозиргача қайта ишлаш корхоналари томонидан пиллачиларни рағбатлантириш мақсадида 5 миллиард 569 миллион сўмлик бўнак маблағлари ажратилди. Мавсум олдидан пиллачилар зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Айни пайтда ипак қурти парвариши зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Вилоят бўйича ҳар бир қути ипак қуртидан ўртача 59 килограммдан ҳосил олиш режалаштирилган бўлиб, тажрибали пиллачилар бу кўрсаткични 70-75 килограммга етказишга ҳаракат қилишмоқда.

Вилоятдаги пиллани қайта ишлашга ихтисослашган "Ромстар", "Бухоро бриллиант силк" қўшма корхоналари ва "Силк сервис", "Кумушкент ипаги" масъулияти чекланган жамиятларида етиштирилажак хомашёни ўз вақтида қабул қилиб, қайта ишлаш мақсадида тайёргарлик ишлари кўриб қўйилди.

Насиба Сатторова *(суратда)* Ромитан туманидаги тажрибали пиллачилардан бири. У бу йилги мавсумда 1,5 қути ипак қуртидан 105 килограмм саноат хомашёси етказиб беришга ҳаракат қиляпти.

**Ҳамроз АЛИ олган сурат.**

Фарғона вилояти

# ЧЎҚҚИЛАРГА ИНТИЛАЁТГАН ДОСТОН

*Марғилон шаҳридаги 25-сонли умумтаълим мактабининг тўққизинчи синф ўқувчиси Достон Мўминовнинг ёш бўлса-да, спортда эришган ютуқлари талайгина.*

*— Спортнинг таэквон-до, ушу турларига болалигимдан қизиқиб, мунтазам равишда шуғулланиб келаман, — дейди икки карра Осиё чемпиони ва бошқа кўплаб йирик мусобақалар ғолиби Достон Мўминов. — Келажакдаги ниятим — Жаҳон ареналарига чиқиб, Ўзбекистон байроғини юксакларга кўтариш.*



Достонга шарқ якка курашининг таэквондо, ушу турлари билан шуғулланишида даставвал дадаси Рустамжон Мўминов устозлик қилганди. Айни пайтда унга тажрибали мутахассислар Дилшод Бозоров ва Сухроб Юсупов мураббийлик қилишмоқда. Натижада Достон кўплаб халқаро мусобақаларда иштирок этиб, мамлакатимиз шарафини муносиб равишда ҳимоя этиб келаётир. Яқинда ёш спортчи Туркия давлатининг Анқара шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионатида қатнашиб, кучли ўнликдан жой олди ва АҚШда ташкил этиладиган халқаро мусобақада қатнашиш учун таклиф олди. Биз Достонга бу борада омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Qishloq hayoti» мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

# ГАРОВ ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА БЕКОР ҚИЛИНАДИ?



**Гаров қай тартибда амалга оширилади? Унинг бекор бўлишига оид қонуний асослар нималардан иборат? Шу ҳақда тушунча берсангиз.**

**М.Очилова**
*Сардоба тумани*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 283-моддасига кўра, бир неча ҳолларда гаров бекор бўлади. Яъни: гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганида, мазкур Кодекс 274-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган асослар бўлганида (гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки унинг шикастланиши хавфи пайдо бўлганида), гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида. Агарда гаровга қўювчи ушбу Кодекс 276-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлса, унда бу ҳолат тегишли тартибда кўриб чиқилади. Яъни, 276-модданинг иккинчи қисмида белгиланганидек, агар гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё хўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса – суд белгилаган муддатда) гаров нарсасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақлидир. Гаровга қўйилган мол-мулк кимошди савдосида сотилган тақдирда, шунингдек, уни сотиш мумкин бўлмаган тақдирда, яъни, мазкур Кодекснинг 281-моддаси бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўлганида ҳам гаров бекор бўлади. Мазкур модданинг бешинчи қисмида кимошди савдоси амалга ошмаган, деб эълон қилинганида гаровга олувчи гаровга қўювчи билан келишиб, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга ва харид нархини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Бундай келишувга нисбатан олди-сотди шартномаси қоидалари қўлланилади. Олтинчи қисмида эса, такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган, деб эълон қилинганида гаровга олувчи гаров нарсасини такрорий кимошди савдосидан бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камайтирган суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли эканлиги белгиланган-дир. Еттинчи қисмида агар гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган, деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор қилинади, дейилади. Ипотека бекор бўлгани ҳақида ипотека тўғрисидаги шартнома рўйхатга олинган реестрга белги қўйилиши кераклиги ҳам Кодекснинг 283-моддасида белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу модданинг сўнгги қисмига кўра, гаров билан таъминланган мажбурият бажарилиши натижасида ёки гаровга қўювчининг талаби билан гаров бекор бўлганида ихтиёрида гаровга қўйилган мол-мулк бўлган гаровга олувчи уни дарҳол гаровга қўювчига қайтариб бериши керак.

**Саволга Оқолтин тумани давлат нотариал идораси нотариуси Нодира ТОШХЎЖАЕВА жавоб берди.**

# Ҳаёт учун! Бирга, ҳамжиҳатликда!

**Тошкентда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида "Ҳаёт учун!" хайрия форум-марафони бўлиб ўтди.**



Форум-марафони старт олган Абдулла Қодирий ва Шаҳрисабз кўчалари кесишган ҳудуд 1 май куни ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Форум-марафон қатнашчилари белгиланган 3 километрлик масофани босиб ўтдилар. Мазкур спорт-соғломлаштириш тадбирида аҳолининг барча қатламлари — жамоат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маданият, спорт, санъат намояндалари ва албатта, талаба-ёшлардан иборат жами 20 мингдан ортиқ иштирокчи қатнашди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси фаолиятида аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини қарор топтириш, аёлларда учрайдиган хавфли хасталикларни эрта аниқлаш каби масалалар устувор аҳамият касб этади. Ҳамкорликда ўтказилаётган ижтимоий акциялар, грант дастурлари, соғломлаштириш-профилактика чоралари ушбу хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизни кучли, аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли генофондини янада соғломлаштириш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, ихтисослаштирилган шифо масканларини барпо этиш ва фаолиятини замон талаблари даражасида йўлга қўйиш масаласи доимий эътиборда бўлиб, бу борада «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ҳам устувор вазифалар белгиланган. Уларнинг ижросида нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Форум-марафонидан кўзланган асосий мақсад саратон хасталигига қарши курашишга доир эзгу саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, ёшларни оммавий спортга кенг жалб этишдан иборатдир. Форум-марафоннинг дастлабки босқичлари "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг "Биз – бир жамоа, биз – бир оила!" акцияси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда кўтаринки руҳда ўтказилди.

Мазкур тадбирлардан тушган маблағлар саратонга чалинган аёлларни даволаш, онкологик диспансерларга моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади. Шунингдек, акция доирасида хаста аёлларни руҳий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Саратонни бартараф этишда шифокорлар билан бирга психологлар хизматини ҳам кенгроқ йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди. Уч йилдан буён муваффақиятли ўтказиб келинаётган мазкур хайрия марафони самарасида кўплаб аёллар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Хасталик аломатлари аниқланганлари даволаниб, дори-препаратлар билан таъминланмоқда. Онкологик диспансерларни ультратовушли ташхис ускуналари билан жиҳозлаш, шифокорлар учун хорижлик экспертлар иштирокида малака ошириш машғулотларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

Фарғона вилояти

ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

# ОРЗУЛАР РЎЁБИ – ЯХШИЛИК БИЛАН

**Ҳаёт аталмиш манзилнинг икки дарвозаси бўлади. Яхшилик ва ёмонлик! Биринчи дарвозадан ҳаёт остонасига қадам қўйганлар умрларини роҳат-фароғатда, иккинчисидан ўтганлар ғурбат ва маломатда ўтказадилар.**



Ёзёвонлик Сотволдихон ота билан Фотимахон она қарийб 60 йил бирга умргузаронлик қилмоқдалар. Уларнинг ҳаёт йўллари савобу шукуҳларга тўла. Тўққиз фарзанд — беш ўғил, тўрт қизни эл корига камарбаста қилиб ўстирдилар. Ўғиллари ўқимишли, қизлари эса оила кўрки. Фарзандлар ўзларидан кўпайишиб, 26 нафар набира, набиралар ортидан 17 нафар чеваралар умр давомчилари ҳисобланишади.

— Ҳар ойнинг биринчи шанбасида бутун оила аъзоларимиз билан жам бўламиз, — дейди отахон. — Хонадонимиз тўйхона бўлиб кетади.

Дарҳақиқат, Сотволдихон ота Валиевни нафақат Ёзёвон аҳли, балки Фарғона вилоятида кўпчилик яхши танийди ва ҳурмат қилади. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки у оддий қишлоқ ўқитувчилигидан олимлик даражасигача эришган.

1944 йилда ўрта мактабни тамомлаган Сотволдихон Валиев Фарғона давлат педагогика институтининг тайёрлов бўлимига қабул қилинади. Орадан икки йил ўтиб, мазкур ўқув даргоҳининг тарих факультетига ўқишга киради. 1950 йили ўқитувчилик дипломини қўлига киритган ёш муаллим 27-сонли ўрта мактабда тарих фанидан ёшларга сабоқ беради. Сотволдихон Валиев ўн йил давомида мазкур ўқув масканида ўқитувчиликдан мактаб директорлигигача бўлган вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилади. Сотволдихондаги ўз ишига, қолаверса, ҳамкасбларига бўлган талабчанлиги кўпчиликнинг эътиборига тушади. 1960 йилдан бошлаб, Сотволдихон Валиев Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа) тумани ижроия комитетида масъул ходим, тарғибот-ташвиқот бўлими мудири бўлиб ишлайди. 1967 йилдан эса Фарғона политехника институтида проректор, кафедра мудири вазифаларида фаолият кўрсатади. Айни пайтда илмий ишларга қўл уриб, Иброҳим Мўминовдек забардаст академик олимлардан маслаҳатлар олади. Бўлажак олим Россия, Туркманистон, Ўзбекистондаги давлат архивларида илмий изланишлар олиб боради. Ниҳоят, 1972 йили Сотволдихон Валиевнинг орзуси ушалади. Олий аттестация комиссияси унга фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини беради. Айни пайтда доцент унвонига ҳам сазовор бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Сотволдихон ота Валиев ҳаётида янги саҳифа очилади. У вилоят ҳокимлигининг миллатлараро муносабат, дин, маданият, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ва ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи вазифасига тайинланади.

— Яхшиликнинг умри боқий бўлади, — дейди Сотволдихон ота Валиев. — Бунга турмуш ўртоғим Фотимахон билан бирга яшаб кўп бор амин бўлдик. Чунки бизларга ота-боболаримиз шундай тарбия беришган. Катта бобом Султонхон, отам Валихонларнинг тарбиясини олиб, кам бўлмадик. Ўз навбатида, ўғил-қизларимизга, уларнинг ортидан улғайиб келаётган набира ва чевараларга ҳам эл-юрт равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилишни маслаҳат берамиз. Шукрки, муҳтарам Президентимизнинг доно сиёсати туфайли юртимиз тинч, она-Ватанимиз осмони мусаффо. Йилдан-йилга қишлоқ ва маҳаллаларимиз обод бўлиб боряпти. Куни кеча Фарғонага бориб, шаҳардаги улкан бунёдкорлик, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларини кўриб, беихтиёр кўзларим қувнаб кетди. Қани энди қайтадан ёшариб қолсам-у, мен ҳам юрт ободончилигига ўз ҳиссамни қўшсам, дейман.

**Исҳоқжон КАРИМОВ,**
**журналист.**

*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

# ОИЛА ИБРАТЛАРИ



Ҳикматли иборалар инсонларнинг зарурий ҳаёт тажрибаларини бойитиб, турмушнинг катта-кичик муаммоларини ижобий, донишмандлик билан ҳал қилишда амалий ёрдам беради. Ҳазрат Навоий айтганларидек, "Кишига зебу зийнат — ҳикмат ва донишдир".

- *Оила пойдеворининг барқарорлиги яхши тарбиядир.*
- ***Эр ва хотин бир-бирларини қанчалик севса ва ҳурмат қилса, айб ва камчиликлари шунча кам кўринади.***
- *Ҳатто эр-хотинлар ҳам ўз қалб сиру асрорларини бир-бирига ҳадеганда намоён қилаверсалар, ўзларига нисбатан қизиқишни тез сўндирадилар.*
- ***Ёшликда ҳақиқий севиб-севилган эр-хотинлар қариганларида ҳам бир-бирларига суяниб, ҳузур-ҳаловатда яшайдилар.***
- *Баъзи бир эр-хотинлар ўзаро ҳурматсизлиги ва кечиримсизлиги туфайли бир-бирлари билан қадрсизликда яшашади.*
- ***Эр-хотин ҳамиша яхши томонларини ошириб, ёмон жиҳатларини йўқотиб яшашлари керак.***
- *Севгингизни бир умр садоқат билан асрашингиз учун ҳамиша бир-бирингизнинг дидингиз, қизиқишингиз ва ҳавасларингизни инобатга олинг.*
- ***Муҳаббат ғойибдан келмайди, уни эр-хотин қалбидаги ўз меҳридан яратади.***
- *Эр хотинига ва хотин эрига қанча ҳурмат кўрсатса, шу даражада суюкли бўлаверадилар.*
- ***Бир-бирини севган эр-хотинлар айбларини эмас, кўпинча яхши фазилатларини кўришади.***
- *Содиқлик ва вафодорликка путур етса, муҳаббат емирила бошлайди.*

**Яраш НУРИЛЛАЕВ,**
олим.

# ИЛМДА ҲАМ, МЕҲНАТДА ҲАМ БОТИР ИНСОН ЭДИ

**Ҳар бир инсон дунёга келар экан, албатта, илм ўрганишни, бирор бир касб-ҳунарнинг бошини тутиб халкига, жамиятга, оиласига нафи тегишини мақсад қилади. Ва бу олий мақсади йўлида тинимсиз изланади. Илм олмоқ ва изланмоқ инсонни икки дунё саодатига эриштиради.**

**Бу фикрлар мақоламиз қаҳрамони — қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Ботир Қосимхўжаев ҳаёти ва фаолияти билан ҳамоҳанг десак муболаға бўлмайди. 1939 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган Ботир Қосимхўжаев ёшлигидан илмга чанқоқ, янгиликка интилувчан, олдига бир мақсад қўйдими унга эришмасдан тинчимайдиган инсон бўлиб вояга етди.**

### ИЛМ ИККИ ДУНЁ САОДАТИГА ЭЛТАДИ

Мактаб даврлари инсоннинг билим олишдан чарчамайдиган ҳамда ўқиб-ўрганилган ҳар бир сабоқ хотирада мустаҳкам сақланиб қоладиган давр. **Ўқувчи Ботир** ҳам буни яхши англаган ҳолда мактаб даврлариданоқ барча фанларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилар, айниқса, аниқ фанларга қизиқиши юқори эди. Шунинг учун ҳам унинг қўлида бадиий адабиётдан ҳам кўпроқ кимё, биология, физика, математикага оид китоблар бўларди. У бу китобларни нафақат мутолаа қиларди, балки ҳаётий мисоллар билан солиштириб, мушоҳада хам қилиб борарди. Ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг кимё-технология факультетига ўқишга кирди. Ёшликнинг ғайрат-шижоати, олган билимларни такомиллаштириш, изланишдан тўхтамасликни талаб этадиган талабалик дамлари ҳам бошланди. **Талаба Ботир** олий ўқув юртида ҳам фаоллиги билан ажралиб турарди. Устозларнинг ҳар бир маърузаларини, сабоқларини жон қулоғи билан тинглаб, ўз фикрларини билдириб борарди. Устозлар сабоғини бой тажрибаларини ўрганиш, мустақил изланиш ва бўш вақтларда китобга ошно бўлиш билан талабалик даври ҳам ўз ниҳоясига етди.

### ИЛМ ВА МЕҲНАТ ИНСОННИ ЮКСАКЛИККА ЭЛТУВЧИ ИККИ КУЧ

1962 йилда бошланган қизғин иш фаолияти то умрининг сўнгига қадар ҳалол меҳнат қилиш, инсонларга яхшилик улашиш, оқил фарзандларни тарбиялаш билан кечди. Шу йили Ботир Қосимхўжаев «Тошкентвино» комбинатида муҳандис-ректификатор бўлиб иш бошлади. Ана энди **ишчи Ботир** шу вақтгача олган билимлари, устозларидан ўрганган тажрибаларини ҳаётда синаб кўриш имкониятига эга бўлди. У бу синовдан ҳам муваффақиятли ўта олди. Ишга бўлган масъулияти, меҳнат жамоасига муносабати туфайли тезда тилга тушди ва комбинатнинг бош муҳандиси лавозимигача кўтарилди. Унга билдирилган бу ишончдан янада руҳланиб, ғайрат-шижоат билан ишлай бошлади. Ботир Қосимхўжаев иш билан бирга ўзи таҳсил олган институтнинг аспирантурасида ҳам илмий фаолиятини давом эттирди ва 1971 йили мамлакатимизда пахта ёғини ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга бағишланган номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Дунёқараши кенг, меҳнатда чиниққан инсонлар қайси лавозимда ишламасин, қайси даврада ўтирмасин теран фикри, босиқлиги, муаммоларга оқилона ечим топа олиши билан атрофдагилар ҳурматига сазовор бўлади. Мақоламиз қаҳрамони Б.Қосимхўжаев меҳнат фаолияти давомида турли ҳукумат ва бошқарув идораларида ишлаб ўз маҳоратини шакллантирди, тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашди. У 1977 йилдан 1991 йилгача Ўзбекистон озиқ-овқат вазирлигида, «Агросаноат» давлат уюшмасида, «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб борди. 1991 йилдан умрининг охиригача «Илмий тадқиқотчи» акциядорлик жамияти директори бўлиб ишлади. Жамоасида ишлаётган ҳар бир ходимнинг иқдаги ёки ҳаётдаги муаммоларини ҳал этишда раҳбар сифатида астойдил кўмаклашди. Унинг юртимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ривожига қўшган ҳиссаси ҳам беқиёс. Ботир аканинг қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш саноатига оид қимматли фикрлари бугун шу соҳада ишлаётган мутахассислар учун аҳамият касб этмоқда. Унинг соҳага оид янги технологиялар ва машиналарни жорий этиш юзасидан билдирган таклифларининг ишлаб чиқаришга муваффақият билан жорий этилганлиги олимнинг бу соҳада нечоғли илмий салоҳиятга эга бўлганлигидан дарак беради. Б.Қосимхўжаев бир зум бўлсин илмий фаолиятдан тўхтамади, 1994 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

### ШОГИРДЛАР ВА ФАРЗАНДЛАР ОЛИМНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Инсон олган билимларини бошқаларга ўргатмоғи ҳам қарз, ҳам фарз. Шу маънода **олим Ботир Қосимхўжаев** илмий ишлару меҳнат фаолиятидан ортиб, ўзи таълим олган институтда талабаларга сабоқ берди. Илм йўлини танлаган шогирдларига устозлик қилди. Унинг қаноти остида илм билан шуғулланган шогирдлари бугунги кунда турли соҳада муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ботир Қосимхўжаев оилада ҳам талабчан ва меҳрибон ота сифатида турмуш ўртоғи олий тоифали врач Шаҳноза Қосимхўжаева билан беш нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Зиёли хонадонда камол топган фарзандлар ҳам бугун эл-юрт корига яраб, самарали ишлаб келмоқда. Энг эътиборлиси, фарзандлар ичида энг кенжаси Жавлон Қосимхўжаев отасининг ишини давом эттириб, бугунги кунда «Илмий тадқиқотчи» масъулияти чекланган жамиятида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Ботир акани маҳалладошлари ҳам яхши хотиралар билан эслайди.

— Ботир ака инсонпарвар, каттаю кичикка бирдек муносабатда, кўнгли очиқ одам эди, — дейди Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалласи раиси Равшан Юсупов. — У кишининг оламдан ўтганига ҳали кўп вақт бўлмади, аммо орамизда йўқлиги билинаяпти. Чунки бу одам маҳалланинг ҳар бир тадбирида елкадош эди.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида олим, етук мутахассис, меҳрибон ота ва маҳалланинг жонкуяри техника фанлари доктори, профессор Ботир Қосимхўжаевнинг ҳаётлик чоғида амалга оширган эзгу ишларидан бир қисмини эсладик, холос. Бу инсондан яна қанча-қанча яхши амаллар, муносиб фарзандлар ва шогирдлар қолди. Ана шундай эзгу амаллардан ибрат олиш ҳаёт мазмуни бўлса ҳам ажабмас.

**А.ИСЛОМОВ,**
**халқ таълими аълочиси.**

Тошкент Вилояти

**Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 18 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.**

# ТИНЧЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

Тошкент вилоятида 750 нафардан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногиронi истиқомат қилади.

Шу кунларда вилоят ҳокимлиги, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар қўмитаси, мудофаа ишлари бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирларда уруш ва меҳнат фахрийларига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда.

Ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида мустақиллик, тинчлик энг азиз неъмат экани, мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар замирида ана шу неъматларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш масъулияти мужассамлиги, ёшларимизни она Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилаётган эътибор самаралари хусусида сўз юритилмоқда.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Президентимизнинг фармонида белгиланган пул мукофотларини топшириш учун ишчи гуруҳлари тузилди. Улар маҳалла фаоллари билан биргаликда уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларига ташриф буюриб, байрам совғаларини топширмоқда.

– Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, – дейди Бўстонлиқ тумани Хўжакент маҳалласида истиқомат қилаётган Аширбой ота Пўлатов. – Минг шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободлиги, рўзғоримиз тўкинлиги ана шу тинчлик шарофатидир. Бундай ёруғ кунларнинг қадрига етиш – ҳар биримизнинг бурчимиз. Биз, кексалар буни ёшларга уқтиришдан сира чарчамаймиз.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Тириклик фасллари

## ШОИР МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ ХОТИРАСИГА ЧИЗГИЛАР

Ҳаётни ҳамма севади. Ҳаёт-чи?! У кимни кўпроқ севади? Ўз муҳаббатини бошқалардан кўра ёрқинроқ, ишончлироқ ифодалайдиган одамни эмасми?! Изҳорнинг турлари кўп. Улардан бири — бадиий ижод, хусусан, шеърият. Бунда изҳор иқрорга айланади. Ҳис-туйғулар минг бир рангда товланиб, жилоланиб, муҳаббатнинг ҳадсиз софлиги ва буюклигини кўз-кўзлаб, бошқаларни ҳам севишга ундайверади. Жўшқин ижод маҳсули бўлган биргина шеър мисолида ҳам бу жараён чексиздир.

*Сизни унда, бизни бунда Худо яратди,*
*Ўртамизда ўтиб бўлмас дарё яратди...*

Бу юрт фарзандлари шундай куйлаганлар, шундай куйламоқдалар. Матназар Абдулҳаким ҳам шундай куйлади.

* * *

Оламни кўз билан кўрамиз, лекин қуёшга тик боқа олмаймиз. Ортиқча ёруғлик кўзни хира торттиради, аммо у қанча кўп бўлмасин, қалбга ортиқчалик қилмайди. Қалб нурдан яшнайди. Қалби чароғон одамлар ҳаётни яшнатиб турадилар. Юлдузларсиз осмон кўркини йўқотгандек, қалби чароғон инсонлар бўлмаса, ҳаёт тароватидан айрилади, эзгулик устуни қулайди. Бу устун мустаҳкам бўлиши учун

*Эзгу фикр, Эзгу сўз, Эзгу амал зарур.*

Бу юрт фарзандлари шундай ўйлаганлар, шундай ўйламоқдалар.

Матназар Абдулҳаким ҳам шундай ўйлади.

* * *

Сўзда сеҳр бор. Илғаган одам унинг таъсиридан қутулолмайди. Оппоқ варақлардаги битикларни нигоҳи билан элаб маъно қидиради. Топади, илоҳий лаззатга эришади, сўзни таниш лаззати, ўзни таниш лаззати, Ҳақни таниш лаззати... Демак, сўзни таниш — ўзни таниш, Ҳақни таниш. Ўзини таниган одам хор бўлмайди. Ҳақни таниган одам ўзгани хор қилмайди. Сўз — Ҳақ хабарини элтгувчидир.

*Сўзни мафҳум айламак нофаҳмга мушкулдурур,*
*Ким, бўлиб сўз аҳли бағри қону, ботгай қонга сўз.*

Бу юрт фарзандлари шундай сўзлаганлар, шундай сўзламоқдалар.

Матназар Абдулҳаким ҳам шундай сўзлади.



* * *

Урганчни қамал қилган мўғуллар ўзича марҳамат кўрсатиб, Шайх Нажмиддин Кубродан шаҳарни тарк этишни сўрайди. Ҳазрат эса лашкар сафида душманга қарши жангга киради. Ватан жондан азиз. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Сажда Ҳақ зикридан бошланади. Муборак тилаклар дилдан тилга кўчади. Ватан — саждагоҳ. У — табаррук. Рўёбга чиқиши учун тилакларни боболар руҳ қанотлантирмоғи, аршга элтмоғи зарур. Аждодлар изидан мунаввар маскан — Ватанда айтилган, миллат ва юрт тараққийсига дахлдор тилак, албатта, ижобат бўлғуси.

*Ойнинг қисматидир мутелик,*
*Қуёшнинг тақдири — истиқлол!*

Бу юрт фарзандлари шундай яшаганлар, шундай яшамоқдалар.

Матназар Абдулҳаким ҳам шундай яшади.

**Жуманазар ЮСУПОВ,**
*шоир.*

# АҚЛЛИ, ВАФОДОР, СОДИҚ

## КИНОЛОГЛАР ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ ШУНДАЙ АТАШАДИ



**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятида кинология хизматининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, муҳим стратегик объектларни қўриқлаш, турли табиий ва техноген ҳолатларда қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш, шунингдек, божхона хизматини ишончли тарзда йўлга қўйишда хизмат итларидан кенг фойдаланилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 24 октябрдаги "Миллий кинология хизматини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Миллий кинология маркази ташкил этилди.

Марказ ўтган давр мобайнида нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида том маънода инспектор-кинолог ва хизмат итларини тайёрловчи таянч ўқув муассасасига айланди.

Миллий кинология маркази ўқув услубиёт бўлими, хизмат итлари питомниги, хизмат итлари билан машқ ўтказиш ҳамда ветеринария хизмати бўлимларидан таркиб топган. Ўқув-услубиёт бўлими ўқув-ўргатув, услубий ва илмий йўналишларни ўз ичига қамраб олган. Бу ердаги ўқув курсларида кинолог курсантлар гиёҳванд моддалар, қурол-аслаҳалар ва портловчи моддаларни қидириш, ҳимоя-қоровул хизмати, из-қидирув, қидирув-қутқарув ва аксилтеррор йўналишларида назарий ҳамда амалий тайёргарликдан ўтказилади.

Марказнинг 100 та итга мўлжалланган питомнигида хизмат итларининг зотдор турларини кўпайтириш, шунингдек, 4-8 ойлик кучук болаларини парваришлашга мўлжалланган 10 та блок мавжуд. Туғуруқ бўлинмаси эса алоҳида туғуруқ блокига эга бўлиб, питомникнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Питомникда соҳада бой тажрибага эга бўлган мутахассислар кўп. Улар томонидан хориждан зотдор итларни харид қилиш, улардан насл олишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ҳозирда питомникда немис овчаркаси, Шарқий Европа овчаркаси, Ўрта Осиё овчаркаси, лобрадор, инглиз коккер-спаниели, рус спаниели ва маленуа зотларига мансуб итлар етиштирилиб, махсус йўналишлар бўйича хизматга тайёрланмоқда. Жумладан, аксилтеррор йўналиши бўйича тайёрланадиган хизмат итларини олиб кўрайлик. Уларга асосан, Шарқий Европа овчаркаси ва немис овчаркаси зотлари танлаб олинади. Негаки, ушбу итлар бақувват, бўйчан, етарли даражада жаҳлдор, ҳид билиш, кўриш, эшитиш органларининг яхши ривожланганлиги билан ажралиб туради. Улар жиноятчиларни тезкорлик билан қўлга олиш, из олиш, одам ҳиди орқали унинг буюмларини топиш, бегоналарга нисбатан ишончсизлик ва жаҳлдорлик, ўргатувчини (эгасини) ҳимоя қилиш каби кўникмаларга ўргатилади.

Марказда ветеринария хизмати ташкил этилган бўлиб, даволаш мажмуасида карантин блоки, касалланган итлар учун изолятор, жарроҳлик, лаборатория ва рентген-ташхис хоналари мавжуд. Бу ерда зарур пайтларда профессионал ветеринар-шифокорларни жалб қилган ҳолда ўта мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётлари ҳам ўтказилади.

Ходимлар ва таҳсил олаётган кинологлар учун барча шароитлар яратилган. 78 ўринга мўлжалланган меҳмонхона типидаги замонавий ётоқхона, спорт-соғломлаштириш комплекси, бассейн, маданий ҳордиқ, мустақил тайёргарлик ва ўқув хоналари мавжуд. Ходимлар хизмат вазифасини ўташда ҳамда турли хил тадбирларда муваффақиятли натижаларга эришишмоқда. Улар 2010 ва 2011 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Кинология Федерацияси ва Миллий немис овчаркаси клуби томонидан ташкил этилган "Шарқ эртаги", "Туркистон" ва "Чемпион Зот" номли халқаро итлар кўргазмаларида бир неча бор иштирок этишиб, "Аъло", "Жуда яхши", "Чемпионликка номзод" номинацияларида ғолибликни қўлга киритишди.



Миллий кинология маркази ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ўртасида халқаро ҳамкорлик Дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, марказда дунёнинг турли давлатлари божхона хизматлари учун хизмат итлари тайёрлаб бериш ҳам йўлга қўйилган.

2008 йилда Жаҳон божхона ташкилоти томонидан Миллий кинология маркази фаолияти алоҳида эътироф этилиб, у Марказий Осиёда ягона бўлган ва жаҳон андозаларига тўла жавоб берувчи Минтақавий кинология маркази мақомига эга бўлди.

Таҳсил жараёнини тугатиб, хизматга киришган кинологлар ўз хизмат итлари кўмагида Ватанимиз сарҳадларига гиёҳванд моддалар ҳамда портловчи воситаларнинг олиб кирилишини тўхтатиш ва жиноятчиларни қўлга олишда муносиб ҳисса қўшаётир. Жумладан, 2010-2011 йилларда Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси кичик инспектор-кинологи, божхона хизмати катта сержанти У.Нурбоев ўзининг "Саймон" лақабли хизмат ити ёрдамида республикамиз ҳудудига фуқаро Ж.Иргашев томонидан олиб кирилмоқчи бўлган йигирма дона ўрамдаги умумий вазни 39 килограммдан ортиқ, Афғонистон фуқароси Халил Даврон ўғлида эса 9 килограммдан ортиқ "опий" гиёҳванд моддаси борлиги аниқланиб, жиноятлари фош этилди.

Шунингдек, "Сариосиё" темир йўл божхона пости кичик инспектор-кинологлари Т.Алимардонов ҳамда Ш.Жўраевлар ўзларининг "Рекс" ва "Жоду" лақабли хизмат итлари ёрдамида Тожикистондан юртимиз бўйлаб Россия Федерациясига йўл олган юк поезди вагонларини божхона назоратидан ўтказганда, унинг таг қисмида салкам 10 килограмм "героин" гиёҳванд моддаси борлигини аниқлади. Кичик инспектор-кинолог О.Пиров ҳам ўзининг "Багира" лақабли хизмат ити билан биргаликда Тожикистон Республикасидан юртимизга кириб келган юк поезди вагонларини текшириб, салкам 5,2 килограмм "героин" гиёҳванд моддасининг яширинча олиб ўтилишига чек қўйди. "Тошкент Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплексининг божхона пости кичик инспектор-кинологи Н.Базарбаев эса ўзининг "Люси" лақабли хизмат ити билан Тошкент халқаро аэропортининг учиш залида Э.Тагировага тегишли бўлган чемодонга яширилган салкам 1,4 килограмм "героин" ва 144 граммдан ортиқ "кокаин" гиёҳванд моддаларини аниқлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда кинология соҳасига берилаётган эътибор, яратилаётган шароит туфайли у алоҳида йўналиш ва фан сифатида шаклланди. Назарий таълимотлар амалиётга татбиқ қилиниб, эришилаётган ютуқлар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

**Мақсуд ҲАСАНОВ,**
**Миллий кинология маркази Хизмат итлари билан машқ ўтказиш бўлими катта инструктори, божхона хизмати капитани.**

ЭЪЛОНЛАР

*Вниманию организаций и предприятий!*

# ИК ПО КС ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

**НА ОБЪЕКТ: ЛОТ № 1.**

**Лот № 1-1. "Межхозяйственное водоснабжение ССГ "Чордара" село "Жалаули" Канимехского района Навоийской области".**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 172 391 667 сум, с НДС 206 870 000 сум.

**Срок окончания работ**, установленных заказчиком 6 месяцев.

**Лот № 1-2. "Водоснабжение села Зарметан ССГ "Зарметан" Кызылтепинского района Навоийской области".**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 252 370 833 сум, с НДС 302 845 000 сум.

**Срок окончания работ**, установленных заказчиком 6 месяцев.

**Лот № 1-3. "Водоснабжение села "Дегрез" ССГ "Туркистан" Навбахорского района Навоийской области".**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 91 727 500 сум, с НДС 110 073 000 сум.

**Срок окончания работ**, установленных заказчиком 5 месяцев.

**Лот № 1-4. "Водоснабжение жилого массива "А.Темура" ССГ "Узбекистан" Хатирчинского района Навоийской области".**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 129 405 833 сум, с НДС 155 287 000 сум.

**Срок окончания работ**, установленных заказчиком 5 месяцев.

**Лот № 1-5. "Водоснабжение кишлаков Бустон и Туркман ССГ "Корача" Хатирчинского района Навоийской области".**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 183 261 167 сум, с НДС 219 914 000 сум.

**Срок окончания работ**, установленных заказчиком 6 месяцев.

**Финансирование проекта будет осуществляется** за счет средств местного бюджета.

**Заказчик** ИК по КС хокимията Навоийской области.

**Расположенный** г.Навои, ул.Навои-63.

*(по обьектам, стоимостью до 500 млн. сум конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса).*

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям:** иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навои ул.Гвасалия-2 а, тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навои ул.Гвасалия-2а. Тел.: 225-49-96.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

*Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!*

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар марказини мукаммал таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** қўшилган қиймат солиғи билан бирга 981,646 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 818,038 млн. сўм, **қурилиш муддати** – 4 ой.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел. (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85 ф.

**Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** — Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475 ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"Давархитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

# МАТОР ЧИНДАН ҲАМ ИНСОНГА МАДОР

**Матор ўсимлиги шифобахшлиги, айниқса, турли дармондориларга бойлиги билан ўлкамиз наботот оламида ажралиб туради. Унинг таркиби киши организми учун фойдали бўлган C, B, $B_2$, PP, E витаминлари ҳамда А провитаминига жуда бой. Бундан ташқари, таркибида қанд ва оқсил моддалари ҳамда кўпгина макро ва миркоэлементлар мавжуд. Шундан бўлса керак, халқимиз азалдан матордан турли хил егуликлар тайёрлашган.**

Матор истеъмол қилинганда, энг асосийси, у организмга қувват бағишлайди, иммунитетни оширади, ҳазм қилиш аъзолари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Асосан Ғарбий Тян-Шань тизмасининг Чотқол тоғ этакларида ўсадиган эндемик ўсимликлардан ҳисобланган матор тоғ ёнбағирларида, қумлоқ ерларда, бутазорлар орасидаги ялангликларда, соясалқин жойларда ўсади.

Республикамизда 250 турдан зиёд ёввойи пиёзлар учрайди, аммо ўша ёввойи пиёзлар туркумига мансуб бўлган матор, вегетатив ва генератив органларининг (пиёзбоши, пояси, барги ва гули) ташқи морфологик кўриниши ва тузилиши ҳамда таъми билан бошқаларидан кескин фарқ қилади. Чунончи, Сурхондарё тоғларида ўсадиган маторга жуда яқин бўлган "матал" ва "алафи сиёҳ" ўсимлиги морфологик тузилиши, яъни ташқи кўриниши ҳамда таъми билан ажралиб туради.

Матор ўсимлиги халқимизга азалдан маълум ва машҳур бўлса-да, аммо фан оламида, кўп йиллар давомида қайси турга мансуб эканлиги сирлигича қолиб келарди. Бунинг асосий сабаби, матор биологик хусусиятининг ўзига хослигидир. Одатда бирон бир ўсимликни тўлиқ тавсиф қилиш учун унинг табиатда ўсиб гуллаб тургандаги ҳолатидан гербарий йиғиш керак бўлади. Гербарийнинг тўлиқ бўлишида ўсимликнинг ер ости органлари, пиёзбоши ва ер устки қисмларидан пояси, барги, энг асосийси, гули бўлиши шарт. Матор ўсимлигининг биологик хусусияти шундаки, бошқа ёввойи пиёзлардан фарқли ўлароқ, барглари ўсиб чиққан пайтларда ҳали пояси тўлиқ етилмаган бўлади, пояси етилиб гуллаган маҳалда эса барглари қуриган бўлади. Шу боис, тадқиқотчилар матордан тўлиқ гербарий йиға олишмаган, натижада бир неча йиллар давомида маторнинг



қайси турга мансублиги номаълумлигича қолиб келди.

Матор ёввойи пиёзлар (Allium) туркумининг (авлодининг) Molium секциясига мансуб. Маълумки, ёввойи пиёзлар ҳам, худди оддий пиёзлар сингари ўткир ҳидга ва аччиқ таъмга эга, аммо матор ёввойи пиёзлардан, чунончи, анзур пиёз, Чимён пиёзи, Суворов пиёзи ва бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзига хос ширин таъмга ҳамда ёқимли ҳидга эгаки, бу унинг таркибида қанд моддаси ва эфир мойлари борлигидан далолат беради. Ўтган асрнинг 80-йилларида Чотқол биосфера қўриқхонасида олиб борилган кузатувлардан сўнг, биолог олим А.Левичев, профессор Р.Камелин тадқиқотлари асосида матор фанга Allium mator тариқасида киритилди ва халқимизнинг "матор" деб атаган номи фанга муҳрланиб қўйилди. Матор турини ҳар хил номлар билан аташга чек қўйилди.

Нима сабабдан аҳоли маторни шу ном билан атаб келишган, бу нима маънони билдиради?! Эҳтимол, бу – "матор" эмас, "мадор" дегани бўлса керак, чунки унинг таркибидаги турли хил дармондорилар киши организмига ҳақиқатдан қувват бағишлайди.

Маторнинг кимёвий таркибини чуқур ўрганиш борасида илмий адабиётларда маълумотлар жуда ҳам оз. Маторнинг аҳамияти тўғрисида эса 1977 йилда "Фан" нашриётида чоп этилган Республика ёш олимлари конференциясида А.Расуловнинг қилган маърузаси матнидан бошқа илмий адабиётларда маълумотлар топа олмадик. Ушбу ўсимлик устида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаганлигини кўрсатади. Айтиш жоизки, матор бошқа пиёздошлар каби пиёзидан ва уруғидан кўпаяди. Дастлаб маторни тоғ шароитида, ўзининг табиий муҳитига яқин ерларда экиб ўстириш, сўнгра аста-секинлик билан шахсий томорқаларда пиёзидан ва уруғидан кўпайтирса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда "Шифобахш" илмий-ишлаб чиқариш маркази ходимлари томонидан мазкур ўсимликни маданийлаштириш, ихтисослашган Давлат ўрмон хўжаликларида экиб, кўпайтириш борасида илмий ва амалий ишлар олиб бориш тадбирлари қўйилмоқда.

**Маъмуржон АЛЛАЯРОВ, "Шифобахш" илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлим мудири, биология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими.**

# ТУТ ҚОННИ ТОЗАЛАЙДИ

Тут – тутдошлар оиласига мансуб кўп йиллик дарахт. Тут дарахтининг поялари жуда мустаҳкам бўлганлиги учун қурилиш материали сифатида кенг фойдаланилади.



Мевасидан вино ишлаб чиқарилади, майиз тайёрланади. Халқ табобатида тут меваси сурункали гепатит, холецистит, безгак, ошқозон-ичак касалликларида парҳез озуқа ва шифобахш модда сифатида фойдаланилади. Тут мевасининг аталаси сочдаги қазғоқни кетказиб, соч ўсишига ёрдам беради. Бунинг учун аталани докага суртиб 3-8 соат давомида бошга боғланади.

Тут табиий ҳолда барча вилоятларда экиб ўстирилади. У ёзнинг жазирама иссиғида ўзининг серсоя танаси билан салқин бериб, қуёш нури уришидан сақлайди.

Қуритилган тут дарахти пўстлоғининг кукуни кунжут мойига қориштириб, яра жароҳатларига қўйиш, янги тут баргидан эса малҳам тайёрлаб, бадан терисидаги жароҳатлар, қўтирни даволашда ишлатиш мумкин. Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" китобида тут барглари ва меваларидан қонни тозалаш, яллиғланишни тўхтатиш, сийдик ҳайдаш, йўтални камайтирувчи восита сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Ипак қурти боқишда ҳам бу дарахт баргидан фойдаланилади.

Халқ орасида тут пишиқчилик нишонаси, деган гап юради. Ҳадемай, тут пишади. Тўйиб тотинишни унутманг. Зеро, она табиат неъматлари — кони фойда.

**Шодиябегим ШАРОФИЙ**

## СУТ САРАТОННИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

**Австралиялик олимлар сут маҳсулотлари саратон хасталигининг олдини олади, деб таъкидламоқда.**



Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, сутли маҳсулотларни мунтазам истеъмол қилган беморларда зарарли ўсимтанинг тана бўйлаб тарқалиш хавфи қирқ беш фоиз камаяр экан.

Тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, сутни хуш кўрувчи соғлом одамларда эса ушбу касалликка чалиниш хавфи 38 фоиз кам учрар экан.

## ТАШХИСНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

**Германиялик олимлар ошқозон ва жигар саратонини қон таҳлили орқали аниқлаш усулини яратдилар.**



Бемор биргина қон таҳлили жавобларидан ўз касаллиги ҳақида барча маълумотларга эга бўлади. Бундай усул ҳеч қандай препарат ёки кимёвий нурларсиз жуда аниқ ташхис қўйиш имконини беради. Айни дамда Германиядаги барча шифохоналарда қўлланилиши режалаштирилаётган мазкур усулдан фойдаланишнинг баҳоси минг еврога тенг. Таҳлил натижалари учун 3-4 кун кифоя.

## БАЛИҚ – КОНИ ФОЙДА

**Америкалик олимларнинг хулосасига кўра, балиқдаги астаксантин моддаси ёрдамида юрак ва қон томир тизимини яхшилаш, ишемия, гипертония касаллиги, миокард инфаркти ва инсульт хавфини камайтириш мумкин.**



Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бир килограмм балиқдан бир неча миллиграмм астаксантин моддасини олиш мумкин.

Бундай касалликларни даволашда мева ва сабзавотда аниқланган бошқа антиоксидантлардан ҳам фойдаланилади. Лекин балиқлардан олинадиган астаксантиннинг таъсири уларга қараганда ўн баробар кучлидир.

## ҚОЧ, ХОЛЕСТЕРИН!

**Маълумки, бош мия организм фаолиятини бошқариб турувчи марказий органдир.**



Бизнинг ҳаракатларимиз, аъзолар фаолияти, моддалар алмашинуви, фикрлашимиз, сезгиларимиз, ҳиссиётларимизнинг барчаси бош мия фаолиятига боғлиқ. Америкалик олимларнинг айтишича, инсон организмидаги холестерин моддаси микдорини бош мия ёрдамида тартибга солиш мумкин экан.

Мутахассисларнинг фикрича, очлик ҳиссини уйғотувчи грелин гормони холестерин миқдорини назорат қилар экан. У орқали бош мия жигарга танадаги холестерин моддасини "чиқариб юбориш" тўғрисида "буйруқ" бериш мумкин.

## ОНКОЛОГЛАР ОГОҲЛАНТИРАДИ

**Йель университети олимлари тишларни тез-тез рентгенга тушириш мия саратони юзага келишига сабаб бўлишини аниқладилар.**



Нейрожарроҳларнинг таъкидлашича, тиш шифокорлари томонидан беморларни мунтазам рентгенга юбориш бош мияда ўсимта пайдо бўлиши ёки унинг ривожланиш жараёни тезлашишига олиб келади.

«Cancer» илмий журналининг ёзишича, йилига икки марта оғиз бўшлиғини рентгенга тушириш миядаги шиш пайдо бўлишини 4,9 фоиз оширади. Онкологларнинг фикрича, мия саратони, яъни менингиома хасталиги ион ҳосил қилувчи нурланиш – рентген қурилмаларидан кўп фойдаланиш оқибатида юзага келадиган хавфли касаллик саналади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария бош бошқармаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарорига асосланган ҳолда, 2012 йил учун эпизоотияга қарши ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишда талаб этиладиган ветеринария препаратлари ва лаборатория диагностикумларини харид қилиш мақсадида 2012 йилнинг 5 июнь куни очиқ танлов эълон қилади:**

| № т/р | Ветеринария препаратлари ва диагностикумлар номи (Улар қабул қилинган атамаларда қайд этилди) | Ўлчов бирлиги | Энг юқори нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| | **Ветпрепаратлар номи:** | | |
| 1 | Вакцина против чума птиц из штамм "Н" | доза | 5,0 |
| 2 | Маллеин (аллерген для сап лошадей) | доза | 388,45 |
| 3 | Цестодоз собак | табл | 93,0 |
| | **Диагностикумлар номи:** | | |
| 1 | Сыворотка сапная для реакции связывания комплемента | доза | 145,288 |
| 2 | Антиген сапной для реакции связывания комплемента | доза | 45,265 |
| 3 | Сыворотка сибиреязвенная преципитирующая | литр | 305 651,885 |
| 4 | Антиген сибиреязвенный бактерийный | литр | 949 781,547 |
| 5 | Набор специфических компонентов для диагностики болезни овец вызываемой бруцеллой овис | шт | 404 685,820 |
| 6 | Сыворотка позитивная бруцеллезная | литр | 1 804 679,910 |
| 7 | Комплемент сухой для реакции связывания комплемента | доза | 62,799 |
| 8 | Сыворотка гемолитическая для реакции связывания комплемента | доза | 12,749 |
| 9 | Набор компонентов для диагностики бруцеллеза животных в РА, РСК, РДСК | шт | 115 089,843 |
| 10 | Антиген бруцеллезный для кольцевой реакции с молоком (КР) | литр | 759 124,300 |
| 11 | Глобулин флюоресцирующий для диагностики бешенства животных | набор | 405 095,592 |
| 12 | Набор для серологический диагностики лейкоза крупного рогатого скота | доза | 484,671 |
| 13 | Набор для серологической диагностике листериозная для РСК | набор | 385 460,383 |
| 14 | Цветной бруцеллезный а нтиген для пластинчатый реакции агглютинации (РБП) | литр | 469 628,000 |
| 15 | Тест система для дифференциальной диагностики вакцинированных и больных бруцеллёзах животных | набор | 343 259,950 |
| 16 | Набор для серологический диагностики хламидиозов сельхоз животных в РСК и РДСК | шт | 339 646,252 |

Товарларни етказиб бериш, шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

**Ишчи орган номи:** Давлат ветеринария бош бошқармаси.

Таклифлар 2012 йил 4 июнь куни соат 18-00 гача қабул қилинади.

**Тўлов шартлари:** пул ўтказиш йўли билан.

**Ветеринария препаратларининг баҳоси (нархи) Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 55-бандига асосан тегишли вазирлик ва идораларнинг бозор конъюктурасини ўрганиш натижасида берган хулосаларига асосан ўзгариши мумкин.**

**Манзил:** Тошкент ш. Фарҳод к-си 21 а уй. **Мурожаат учун телефонлар:** 276-49-92, 276-90-85.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

"Биржа" газетасининг 2012 йил 26 январдаги 10 (1421)-сонидаги хабарномада берилган 2012 йил 27 февраль ва 16 март кунлари бўлиб ўтиши белгиланган танловга қўйилган қуйидаги ер участкасига танлов савдоси 2012 йил 22 май куни соат 11-00 да бўлиб ўтишини маълум қилади.

Икки қаватли Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Навоий шаҳар 4-даҳаси ҳудудида жойлашган 1 дона 108 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 81 380 сўм.

**Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Навоий шаҳар И.Очилов кўчаси 24-уй.**

**Мурожаат учун тел.: 8(436) 224-44-01; 224-15-61.**

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси томонидан 1994 й.да Кариков Джемиль Энверович номига берилган № 002003 сонли (рўйхат рақами № 7554) диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧП "DOLCE VITA GROUP" (ИНН 302100474), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Хокимията Учтепинского р-на (№ 004753-01, 16.09.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент м-в Чиланзар-13 д. 5 кв-ра 57, ликвидируется (приказ учредителя № 1 от 02.05.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 709-23-63.

Тошкент ш. Олмазор (собиқ С.Рахимов) т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SIROJIDDIN FAYZ BARAKA" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SIROJIDDIN FAYZ BARAKA" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Тошкент вил. Ангрен шаҳридаги 21-мактаб томонидан 2004 ўқув йилида Хайдарова Гульнора Мухамадовна номига берилган 11-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги O'R-B № 083368 рақамли Аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

СП ООО "ERVIN TRADING", сообщает об уменьшении Уставного фонда с 196029,39 доллара США до 164408,08 доллара США. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования данного объявления по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н ул. Нихол д. 18. Тел.: 185-28-97.

Ранее опубликованное объявления о ликвидации фирмы ООО "NURAFSHON QUSHBEGI" (ИНН 302125260), Яккасарайского р-на в газеты "Кишлок хаёти" от 06.01.2012 г., считать недействительным.

Утерянную справку № 3955 от 28.10.2011 г., выданную "TOSHKENT SHAHAR YER RESURSLARI VA DAVLAT KADASTRI BOSHQARMASI" на ООО "MUHAMMAD ALI CUNSULT", расположенное по адресу: Юнусабад Ц-5 д. 70 кв-ра 4, считать недействительной.

Кадастровый документ (план БТИ) на квартиру по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. Бобура д. 21 кв-ра 14, выданный на имя Шарафутдиновой Адели Гайданиевной (на основании судебных решений Яккасарайского межрайонного суда по гражданским делам г. Ташкента от 23.03.2011 г., 25.11.2011 г. и апелляционной инстанции Ташкентского городского суда от 13.04.2012 г.), считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "AMAN INTERNATIONAL LTD" (СТИР 204678191) МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧФ "RAMATI" (ИНН 203437033), Сергелийского р-на г. Ташкента преобразуется в ООО "RAMATI". Претензии принимаются по тел.: 127-62-83.

ООО "IDEAL TEHNO UNIT" сообщает о реорганизации в виде преобразования организационно-правовой формы "общество с ограниченной ответственностью" в "частное предприятие". Претензии принимаются по тел.: 120-62-32.

ЧФ "ZOTISHER-SAVDO" (ИНН 204350539), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского р-на г. Ташкента (реестр № 01-00425 от 28.01.2003 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Г.Узакова д. 68, ликвидируется (приказ № 1 от 2.05.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Утерянную в такси папку с документами представительства "JARVIS SYSTEMS INC." просим вернуть за вознаграждение. Тел.: 771-00-78.

ООО "ETALON INVEST" (ИНН 207058193) с ИК зарегистрированное ИРСП Шайхантахурского р-на (реестр № 003916-09, 22.01.2010 г.) в соответствии с Решением единственного учредителя от 27.04.2012 г. отменяет добровольную ликвидацию и возобновляет деятельность. Ранее размещенное объявления о ликвидации считать утратившим силу. Тел.: 239-13-46.

ООО "SECRET BEAUTY" (ИНН 301932137), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Уйгур 103, ликвидируется (протокол собрания № 4 от 2.05.2012 г.). Претензии принимаются в течении двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 156-56-24.

ЧП "TRAD-SERVIS" (ИНН 204075943), зарегистрированное ИРСП Хамзинского р-на г. Ташкента (реестр № 07-000222 от 24.09.2008 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Бакинская д. 179, ликвидируется (Решение Собственника от 01.05.2012 г.). Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня опубликования указанного объявления по тел.: 902-95-81.

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## *ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!*

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 29 мартдаги 63 к-ПО-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналминал кўчасида жойлашган умумий майдони 1985,0 кв. метрга тенг бўлган қурилиши тугалланмаган 5 қаватли ишлаб чиқариш биноси танлов савдосига қўйилганлигини қўшимча равишда маълум қиламиз.

**Бошланғич нархи - 323 982 800 сўм.**

Объектни танлов савдолари орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- 323 982 800 сўмдан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- 100 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни савдо ташкилотчиси "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига тақдим қилишлари ва объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат келишувга асосан "KMSX" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари закалат тўловни эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) ёки миллий валютада (сўм) амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширади.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг, олиниши мумкин.

Танлов ҳужжатларининг нархи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан белгиланади. Ушбу тўлов қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим: х/р 401010 860262737950100021001, СТИР: 200950435, ОКОНХ: 97400

Олувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги амалиёт бош бошқармаси. Олувчининг ҳисоб рақами: 23402000 300100001010,

Олувчи банки: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бошқармаси ҳисоб-касса маркази олувчи банки коди: 00014; Олувчи СТИРи: 201122919. Олувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Танлов таклифларини қабул қилиш 2012 йил 7 май куни Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорлардан таклифлар тушмаган тақдирда танлов савдолари 2012 йилнинг 15 , 22 ва 29 май кунлари соат 11:00 да такроран ўтказилади, такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади).

**Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 8 май куни Тошкент вақти билан соат 11:00 да Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават) амалга оширилади.** Таклифларни очиш вақтида танловда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдоси натижаларига кўра, ғолиб чиққан иштирокчи 20 кундан кечикмай сотувчи ва ғолиб ўртасида давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилади.

**Юқоридаги кўчмас мулкнинг танлов савдоси бўйича эълон "Ҳуқуқ" газетасининг 2012 йил 5 апрелдаги 14-сонида чоп этилган.**

Танлов савдоларининг ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси,16А-уй. Тел 233-23-49. Веб сайти www.1kms.uz. Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz

# «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ТОШКЕНТ

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

**2012 йил 4 июнь куни соат 14:00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 3-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимияти «Savdo xizmat ko'rsatish sohasi va xalq istemol mollari ishlab chiqarish departamenti»га қарашли 1998 йилда и/ч "ГАЗ-3102", д/р 01 185 МВА, ранги серо-белый (серый), техник носоз, бошланғич баҳоси 1 049 771 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилади.**

Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Истиқлол кўчаси, 15-уйда ўтказилади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг ХОАТБ «InfinBANK» МФО-01041, СТИР-302083379, 20208000304932168001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак. Ушбу савдо кунида сотилмай қолган транспорт воситаси такрорий аукцион савдолари 2012 йил ҳафтанинг ҳар душанба куни ўтказилади.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 700047, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Истиқлол кўчаси, 15-уй Телефон: (+99897) 802-10-00, 259-20-10. E-mail: uainvest@mail.ru

Аукцион савдосида қатнашишни истаган шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

- аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- жисмоний шахслардан паспорт нусхаси
- закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

*Гувоҳнома № 004059*

### БИЛДИРИШ

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Наманган вилояти филиали томонидан "Биржа" газетасининг 2012 йил 5 апрелдаги 39-сони (1450)да берилган эълон матнига мувофиқ ОЧИҚ аукцион савдосига чиқарилган, 2012 йил 8 май куни соат 11-00 да ўтказилиши кўрсатилган Наманган шаҳар Шимолий саноат ҳудуди М.Поликовская кўчаси ҳудудидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун, сотиш ҳуқуқисиз, якка тартибда уй-жой қуриш учун 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44-сонли ҳар бири 400 кв.м.дан иборат жами 44 (қирқ тўрт) та ер майдонлари савдоси тўхтатилганлиги маълум қилинади.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 30.04.2012 йилдаги 02-04/628-сонли алоқа хати.

**Мазил: Наманган шаҳар Нодира кўчаси 3-уйининг 4-қавати.**

**Телефонлар: (8-369) 226-27-01; 226-54-47 Лицензия: RR-0001**



# ШЎР СУВ ТАҲДИДИ

**Глобал иқлим ўзгариши оқибатида сайёрамизда денгиз ва уммонлар сатҳининг сезиларли даражада кўтарилгани кузатилмоқда.**

Бу, айниқса, Мексика кўрфази атрофида жойлашган аҳоли яшайдиган ерларга катта хавф туғдирмоқда. Олимларнинг айтишича, қуруқликни эгаллаб бораётган шўр сув нафақат инсон ҳаёти, балки ҳайвонот ва наботот дунёсига ҳам жиддий зарар етказиши мумкин.

# МАРСДА ВУЛҚОН ИЗЛАРИ

**Геологлар Марс сайёрасида вулқон изларини аниқладилар. Лава оқими натижасида юзага келадиган бундай юмалоқсимон шакллар сайёранинг экватор қисмидаги Атабаска водийсидан топилган.**



Олимларнинг таъкидлашича, бундай излар лава оқимининг турли йўналиш ва тезлик бўйича ҳаракатланиши оқибатида юзага келади.

Қизил сайёрадаги ушбу излар «Mars Reconnaissance Orbiter» қурилмасига ўрнатилган HiRISE камераси ёрдамида тасвирга олинган.

# МУКОФОТЛИ МАШИНА



«Киа моторс» автокомпанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган «Ray EV1» русумли автомобиль электр қуввати олгач, 135 километр масофани соатига 130 километр тезликда босиб ўта олади. Янги турдаги автотранспорт 45 миллион вон (тахминан 39 минг АҚШ доллари)га баҳоланмоқда.

«Кориа таймс» нашрининг ёзишича, мамлакат ҳукумати бундай машиналарни сотиб оладиган ҳар бир харидорга 15 миллион вон миқдорида мукофот беришни режалаштирмоқда. Шунингдек, ҳукумат нисбатан арзонроқ электр машиналар ва автотранспортни қувват олдиришда ишлатиладиган қурилма ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ниятида.



# БАРМОҒИНГНИ БОС, БОЛАКАЙ!

**Буюк Британия мактабларидаги ошхоналарда ўқувчилар учун егулик ҳақини тўлашнинг янги усули жорий қилинди.**

Энди болалар пул ўрнига махсус аппаратда бармоқ изларини қолдиради. Шу тариқа ўқувчининг банкдаги ҳисобидан пул ечиб олинади.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бундай ноанъанавий тўлов усули ўқувчилар учун жуда қулай. Энди улар орасида нақд пул ва овқатланиш талонларининг йўқолиши ҳамда ўғирланиши каби ҳолатлар камаяди. Тўловнинг бундай усули мамлакатнинг барча ўқув муассасаларида жорий қилиниши режалаштирилмоқда.



(7 май — 13 май)

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04)**



Ҳаётингизда яхши ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Кайфиятни кўтариб, олдинга интилинг, барчаси қўлингизда, албатта. Сизга билдирилган ишончни оқланг.

**БУЗОҚ (21.04 — 20.05)**



Айни кунларда олдиндан режалаштирган ишларингизни амалга ошириш мумкин. Майда-чуйда ташвишлар сизни қанчалик ҳолдан тойдирмасин оғир-босиқ бўлишга ҳаракат қилинг.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)**



Яқинларингизни хурсанд қилишни унутманг. Ишхонада бошқалар масъулиятини зиммангизга олишга тўғри келади. Имкониятларингизга қараб иш тутинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)**



Ҳафта давомида сизни кетма-кет хурсандчиликлар кутмоқда. Муваффақиятларингиздан ҳаволаниб кетманг. Ишда масъулиятни ҳис этиб, янги режаларни амалга оширишга киришинг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08)**



Дўстларингиз томонидан билдирилган таклифни рад этманг. Чунки бундай вазият ҳар доим ҳам бўлавермайди. Ҳафта сўнгида саёҳат жуда фойдали.

**ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)**



Оилавий тушунмовчиликларда ҳамиша босиқлик билан иш тутинг. Ҳафта ўртасида сизни муҳим учрашувлар кутмоқда. Ақл билан иш кўришни унутманг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)**



Яқин кишиларнинг совуқ муносабати туфайли ишда ҳаловатингизни йўқотманг. Чунки бу ўткинчи ҳолат, тез кунда, ишонинг, ҳаммаси ўз изига тушиб кетади.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11)**



Сиз учун бу ҳафта жуда омадли келади. Атрофдагиларга яхши муносабатда бўлинг. Соғлигингиз ҳақида ҳам ўйлашни унутманг. Ҳафта сўнгида сизни тасодифий учрашув кутмоқда.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)**



Режаларингизнинг барчасини амалга оширишда бир оз моддий зарар кўрсангиз ачинманг. Чунки сизни мўмай даромад кутмоқда. Лекин бошқалар билан ҳисоблашишни унутманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)**



Зерикарли бошланган ҳафта ўртасида янги лойиҳаларни амалга ошириб хурсанд бўласиз. Ҳар бир ҳаракатингизни ақл тарозисида ўлчаб, кейин ишга киришинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 20.02)**



Вазиятга тўғри баҳо беришда сизнинг олдингизга тушадиган йўқ. Лекин шунга қарамай айни кунларда ҳушёррок бўлинг. Ҳафта сўнгида мириқиб дам олинг.

**БАЛИҚ (21.02 — 20.03)**



Ҳаётингизда бирор ўзгариш бўлишини истаяпсиз. Унда дўстларингизга берган ваъдангизнинг устидан чиқинг. Ваколатингиз доирасида иш юритинг.

# «МЕНИ ҚУЧГИЛ ВА «COCA-COLA» ИЧГИЛ»

АҚШнинг «Coca-Cola» компанияси Сингапурда антиқа автомат ўрнатди. «Hug Me», яъни «Мени қучгил» деб номланувчи ушбу ғайриоддий ускуна уни бағрига босган ҳар қандай киши учун ичимлик улашади.

Сингапур Миллий университети биносига ўрнатилган мазкур қурилма талабалар ўртасида, айниқса, машҳур бўлиб кетди. Талабалар ускунани «қучиш» эвазига «Coca-Cola» билан чанқоғини қондирмоқда.

Компания томонидан амалга оширилаётган лойиҳага мувофиқ, бундай автоматлар дунёнинг бошқа кўплаб давлатларидаги таълим муассасаларида ҳам ўрнатилади. Мақсад — «Coca-Cola» ичимлигини реклама қилиш, албатта.



Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: А. НУРУЛЛАЕВ

Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ

Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-514, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.30
22573 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5